

ЛЮДМИЛА ТАТЬЯНИЧЕВА



ЛАҲЗА

ШЕЪРЛАР

**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
Т О Ш К Е Н Т — 1975**
www.ziyouz.com kutubxonasi



70403—
64—75

Татьяничева Людмила.

Лаҳза. Шеърлар.
санъат нашриёти, 1975.

64 б.

Т., Адабиёт ва

Ташиқли рус шопраси Людмила Татьяничеванинг номи СССРдаги барча миллат китобхоналарига яхши таниш.

Шеърят ихлосмандларига ўзбек тилида илк бор тақдим этилаётган ушбу тўпламга шоиранинг турли йилларда ёзилган ранг-баранг мавзудаги лирик шеърлари киритилди.

Татьяничева Л., Мгновение, Стихи.

P2

Т $\frac{70403-}{352 (06) - 75}$ 64—75

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. (Таржима).

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЎНГГИ ТАШВИШ

Ёнмоқ —
Демак куйиб кетмоқдир..
У яшади,
Бор хаёли иш.
Ва ҳаёт-ла видолашмоқни
Билар эди энг сўнгги ташвиш.
Одатича банд эди ҳамоп,
Ихтиронинг жараёнида
Манзил шундай турганда аёи,
Деди:
Қирманг менинг ёнимга,
Бандман.
Ҳозир бермоқдаман жоп.

ЭНГ САРАСИ ҚОЛДИ ЮРАКДА

Туннинг шифо тўла қаърида
Қувиб кундуз ғовур-суронин —
Қалб тубида ётган ардоғда
Жавоҳирнинг санайман сонин:

Бу бебаҳо ганж ҳам эмас кўп,
Ортиғига эҳтиёж сезмам.
Шодланаман
Жам қила туриб,
Йўқдир нархи тушган бири ҳам.

Ҳечқиси йўқ:
Ёшлик, кексалик,
Мен бораман муқим йўлимда.
Энг сараси ҳамон дилда лиқ,
Дил виждон-ла ҳамроҳ кўксимда.

ҲАЙКАЛ ОЧИЛИШИДА

Чодир тушганида бирдан ҳилпираб,
Жангчининг ҳайкали бўлди намоён.
Пойига бир қучоқ яшноқ гул билан
Аёл чўкди чекиб бўғиқ бир фиғон.

Гўё ундан уэр сўрамоқчидай,
Тирилиб кетгандай туюлди ҳайкал.
Гўё у кимнингдир дардини қўзғаб,
Кимнидир тирилтган эди шу маҳал...

АЁЛ ҚУДРАТИ

Наталья Кончаловскаяга

Қудрат-ку меҳрсиз бори дағаллик,
Меҳр ўзи бекуш — қапотсиз бир қуш.
Ярлиб, ардоғлаб, бериб тасалли
Сеҳрга айлапар аёлдаги куч.

Сўнг яшаб қолади қўшиқ
Мақолда,
Тоқати, жасурлик, мардлиги аён.
Ухда қилмагани иш йўқ жаҳонда
Уйида рўзгорни бошқаргансимон.

Бизнинг кучимиздай топилмас меҳр,
Лекин биздагидай кимда бор сабот?
Истаймиз, ишлаймиз яшнасин деб Ер
Авлодга ардоғлаб бахтиёр ҳаёт.

Жаҳондаги халқнинг энёд жинсимиз,
Ешликдан бир ажиб ҳақиқат аён:
Ватан, Тупроқ, Севги, Ҳурлик, Эрким
Аёл уивони-ла яшар ёнма-ён.

Ҳамма мушкулоти ғовга бериб чап
Жисмимизда топар тириклик бунёд.
Ҳатто севган кишинг меҳри тўла қалб
Кучли бўлмоги шарт, ожизликка ёт

НАЗАРИМДА БАЪЗАЊ

Баъзан назаримда:
Менинг кўксимда
Менинг қалбим эмас
Урар ўзга қалб.
Шу дам кетма уйдан —
Қўлингни узат,
Керак бўлиб қолса ол мени суяб.
Мени босар ваҳм,
Биламан гарчанд
Ваҳима беҳуда:
Гўё менга шу ёт
Янги шу дилда
Тордай иккимизга кечирмак хаёт

* *

*

Кетмоқ?

Наҳот ўз-ўзингдан кетмоқлик мўмкин?

Сени унутмоқлик,

Беҳуда бир ҳол.

Бўрон

Тирикликни қилди ост-устин,

Оч ҳайвон сингари увлар бемалол.

Шафқатсиз муз билан

Қопланмаган сув,

Дарахтлар шохини қояга уриб,

Тиниқ,

Ёш,

Тўлқинли жўшиб оқар у.

Айт-чи, ахир дарё шунчалар оқиб,

Ўз қадрдонини тўйдими суюб?



Муҳаббатмас
Бу бир васваса.
Юрак учун оғир,
Мушкул юк.
На дув-дув гап
Ва на-да таъна
Ўзга ҳолдан қўрқувда бу дил
Ешишга ҳам бўйинсунмаган
Ва олтинга бергусиз бир бахт
Юкни отмай,
Ҳеч он йўқотмай,
Ҳеч қимсага бермасман ҳеч вақт

Сен борасан кўчамдан ўтиб,
Кўмир бўлган тераклар ёнда
Ўша асло бўлмас унутиб
Висол ёнда
Лекин бу онда
Ўзга ният чулғар ўйларим
Истайманки:
Бўлсанг бахтиёр,
Янги уйинг бахтга лиммо-лим
Умринг олтин тубига қадар
Тоза бўлса
Ва тўла-тўқис,
Ва ақлга ҳамроҳ бўлса ҳис.

Унут, куйиб бўлгани кўмир
Ва кўчамдан ўтма бир умр

МЕН БАҲОРНИ ЧОРЛАЙМАН

Янги ойнинг нақ ўроғида
Тубсиз чалак осилгансимон,
Шаффоф, тиниқ кўк қучоғидан
Баҳор бўлиб боқади осмон.

На ишқ-ла маст ёшлик дамларини,
На жодугар сеҳргар қўшнқ,
Туғилмаган қизим сингари—
Мен баҳорни чорлайман интиқ.



Сулув бўлма,
Севимли бўлгил,—
Йўқса бекор дилдаги офтоб!
Сева туриб,
Совиса кўнгил,
Жон узар қуш,
Куй бўлар хароб!
Рад этилар кечмиш-да тамом,
Йўл иккига ажралар нохуш.
Учиб юрар ортингдан мудом
Сен бошига етган бийрон қуш!



Биз шундайки,
Қайғу олдида
Қўз ёш тўкиб, турмаймиз ҳайрон.
Йўқотганинг қасамёдида
Қурашамиз, деймиз: жонга-жон!
Биз меҳнатга дил берган инсон!
Шу сабабки,
Кексалик ҳукми
Ўтган эмас бизга ҳеч қачон.
Бир қанотдир
Бизга эътиқод—
Апа шундан тилакларимиз
Донм бажо,
донмо бунёд!
Биз шундайин иродали жон:
Бир ўлимдан қолганмиз омон!
Бундай бахтга
ёр бўлгай фақат
Ҳақиқатга
Ва Эгуликка
Таъзим айлаб,
Қўл берган Инсон!

Шамол тиши ўтмаган
Харсангтошлар оралаб,
Ой нуқраси кетмаган
Ўтлоқларда мўралаб,
Чақмоқ ёни етмаган
Камалакни поралаб
Олиб ўтдинг, қутлуғ йўл,
Ҳимматингга қуллуқ, йўл!
Тикка жарлик бошига
Келгач, дединг: — Йўқ ҳолим!
Чорасиз қарашингдан
Тит-пит бўлди хаёлим!
Шарт опичлаб шу замон
Сени етказдим омон!

Дерлар: қарс икки қўлдан..
Қарзим қолмади йўлдан!

ТАБИАТ ҲАҚИДА

У — саховат,
Меҳру мурувват,
Қўру кар ва ботин табиат.
У — ризқу рўз,
У — бало тўфон.
У оҳудир кўзлари гирён,
У бўридир донм оғзи қон!

Яратмоқда — у чин меъмор ҳам.
Қирғин барот қилмиши унинг
У — шоҳона қудрат ва ҳашам
У — мутеллик чиндаб бўлмас мунг!

Ўз-ўзини англамоқ учун,
Қўтулмоқ чун бало-қазодан,
У инсонни тўғди-ю бир кун
Қадру қиммат топди дунёда!

Она сутин оқлай деб чунон
Ишлагоқда жон тикиб Инсон.

Табиатнинг каму кўстини,
Номукаммал паклу ҳуснини
Тўлдирмоқда
У — буюк даҳо!

ҲИЛАР

Аслида-ку шўр босган саҳро
Биз билганча тап-тақир эмас.
Хат тушмаган саҳифа гўё
Туюлар у менга ҳар нафас.
Ийглагудай бўлар эдим гоҳ:
Қора шўра,

қовға

ва янтоқ

Босиб кетган кўримсиз макон
Кўринарди ожиз, ногирон.
Улар чўлга боғлаган меҳр,
Бағишламас аммо кўрк, ҳашам,
Лекин шўрхок, ташландиқ бағир
Улар борки, тирик мунтазам!

Улар учун саҳромас—жаннат
Ватан дея билган макони!
Фарзанд учун онанинг ҳеч вақт
Бўлмагандай яхши-ёмони!

258999




Кун—
Йилнинг энг кичик улуши,
Куз шомидай қайгули лаҳза.
Баҳор, дейман тонғлар кулишин,
Ўхшашлик йўқ қуёшга эса!
Ҳар куннинг ўз қизғин ёзи бор,
Ўтар-кетар ташвишлар билан.
Ҳаёт ўзи ўргатди такрор
Кун қадрини тутмоқни баланд!





Қўл-оёқсиз одамдай саҳро:
Қаҳратонда дир-дир қалтирар,
Саратонда йўқ унга напоҳ,
Гирдибодда тўзар, мўлтирар,
Узини уйда қиложмас асло!

Не бахт, бугун яйрайди нигоҳ:
Саҳрода ўт-ўланни суриб,
Илдиз отиб, кўклуб, қулф уриб,
Навиҳоллар ростлаштир қад
Ернинг эпчил қўллари монанд!





Кексаликнинг кўзгуси мертк,
Боқма унга, қалбнинг кетар суст.
...Тонгу пешини, кунботар бекик
Дарвозада келар юзма-юз!
Эшик очар шамоЛ берухсат,
Имкон бермас «тўхта» демоққа.
Чапараста дўл урар бевақт,
Ёприлгандай чумчуқ қўпоққа
Ёмғир кирар уйга бетоқат!
Чор атрофни сеҳрлаб чунон
Пойгаккача кўминб кетар қор.
Чилдирмасин чертади бўрон,
Дер: Яйраган далаларга бор!

Кексаликнинг кўзгуси мертк..
Боқиб, дилнинг топмасни озор—
Қумуш сочинг ҳалқаларида,
Қара, қандай ёруглик, виқор!



Қамситмайман тоғларни зиңҳор,
Буюкликка улар муносиб.
Чўққиларни тутиб ётган қор
Ҳар кимга ҳам бўлмайди насиб!
Иўл кенгаяр,
Умр—ёрқинроқ,
Орзуларга қўшилар салмоқ.
У чўққилар
Юксакликларга
Зина бўлиб қолгуси бир чоқ!

ГУЛЛАР

Янги боғда
Майсазор ичра
Тахтачада ёрқин бир ёзув:
«Гуллар...»
Алвон гуллар нур ичар,
Гул ифорли йўлкалар сулув!
Фарзандига сийнасин тутган
Она каби лорсиллар тупроқ.
Куннинг зилол нафасин ютган—
Гул гўдакка ўхшарди бу чоқ.
Мен оҳишта
Ташлайман қадам,
Етмасин деб тупроққа озор.
Рўпарамда чарх урар кўклам,
Хаёл эса оқар шиддаткор...
...Эсимдадир аччиқ нолалар,
Момикқина елкаси куйиб,
Шарқдан паноҳ топган болалар!..
Сукунатни ўқ каби ўйиб,
Далаларда кўзга ташланган—
Ёзув: «Мина! Эҳтиёт бўлинг!»
Портлатилган йўллар...
Ешланган
Кўзлардаги ваҳима ҳаёт!

ЕН, ЧИРОҒИМ, ЛОВИЛЛА

Бир ажойиб ўйин бор —

Шабнам мисоли ёрқин.

Эшитмаган ким ҳам бор,

Ўйнамаган ким борқин:

Сочиб мусаффо шуъла,

Ён, чироғим, ловилла!

Эслагандай онамни,

Ёшликни қўмсагандай,

Дуд чулғаса оламни,

Куйлар эдим ўшанда:

Сочиб мусаффо шуъла,

Пурли куним, ловилла!

Аччиқ сўзлар ва бўҳтон

Юрагимни эзганда,

Ишонч билан шодумон

Куйладим, лабда ханда:

Сочиб мусаффо шуъла,

Эзгу ишонч, ловилла!

Севгим келди—қуёшим,

Жон бўлсин унга нисор.

Севгим, бўлма кўз ёшим,

Деб куйладим бахтиёр:

Сочиб мусаффо шуъла,

Ёнгил, севгим, ловилла!

Ёшлик деди: Хайру хўш,

Қайғурайми? Не учун?

У — ёнимда, эмас туш,

Унга хитобим бугун:

Сочиб мусаффо шуъла,

Ён, ёшлнгим, ловилла!



Мен
Ишқ-муҳаббатдан
Кетардим нари,
Қирғоқдан силжиган
Кема сингари,
Тулпор туёғидан
Қочган йўл мисол,
Оловдан ажралган
Тутун каби лол...
Лекин ишқ
Ортимдан қолмас эди ҳеч,
Қишмидир, ёзмидир,
Эртами ё кеч,
Менинг ўзлигимга
Айланмиш тамом,
Сенсиз кун кечирмоқ —
Мен учун ҳаром!
Сенсиз кун кечирмоқ —
Тонги йўқ тундир,
Қирғоқсиз,
Кема ҳам —
Ҳоли забундир,
Сенсиз уй қаърида
Доим қора шом,
Сенсиз кун кечирмоқ
Мен учун ҳаром!

Н А Қ Л

Болаликда
Эшитгандим хўп,
Бувим сўйлаб берган эди кўп:
Билиб,
Жангда ўлганини ёр,
Монастирга кетибди дилдор.

Қайғу
Нозик қаддини букар,
Қўзларидан дардли ёш тўкар,
Аммо номус,
Виждон соф қолур.
Дилда севги
Пок, шаффоф қолур.

Очиб аёл ғуруридан гап,
Онам дерди,
Насиҳат айлаб:
— Агар севсанг,
Ҳалок бўлса ёр,
Янгисини қидирма зинҳор.

Қуласа гар, қулар балки тоғ,
Қуриса гар, дарёлар қурир..
Аммо
Бизнинг уруғда шундоқ:

«Севдингни, —
Сев!
Абад!
Бир умр!»

... Қирон солди,
Отинг җчгур жанг,
Мен соғ қолдим,
Сен бўлдинг побуд.
Хароб бўлиб қолмадим, билсанг,
Ҳаёт деди:
«Қаддингни тик тут!»

Кучли бўл, дер менга,
Мен кафил,
Монастирни ғйламоқ нечун?
Болаларни ўстир,
Меҳнат қил,
Ўзинг учун,
Шунқоринг учун.

Конлар қидир,
Тийрак кўз-ла боқ.
Дарёларни
Янги нэга бур...

Севги бизнинг уруғда шундоқ:
Биргина-ю,
Жўшгай бир умр!



Мовий Ўрол тоғларидан йироқда,
Қўлларида
Тутганича автомат,
Шоҳсупадан
Аста боқиб турмоқда
Бринжадай қора юзли ёш солдат.
Нафасида
Гуркирайди шўх насим,
Боши узра
Қарғаларсиё мепг осмон.
Ватан учун
Қасам ичиб юрмай,
Жим,
Ватан учун шартта
Фидо қилди жон!..

ТОҒЛАР

Қайсин Қулшевга

Ҳеч қандай шамоллар
Ҳадди сизмади
Қадингиз букмоққа,
Қилмоққа бадном.
Тоғлар —
Сиз
Заминнинг тирак-мадади,
Замин хотироти
Эрурсиз тамом.
Мункайнб қартайди
Қадимги дунё,
Узилди
Занглаган
Қуллик кишанлар...
Эльбрус,
Қазбек-чи,
Бу дамгача то
Ушандек мағрурлар,
Мағрур ва шанлар.
Шоҳлар ухлаб ётар
Қабрларида,
Қўрғонлар қаърида
Не-не салтанат...
Помир-чи,
Турибди
Ҳали-ҳали-да,

Тоғларнинг ичида
Саркардасифат...
Тоғлар,
Тоғлар,
Рости, огнр дамларда,
Ғарқоблар тубида
Қолганимизда,
Чўққингизга боқиб
Биз неча марта,
Ўрнак ола билдик
Сизлардан,
Сиздан.
Йўлимизни тўсди
Ўприлган тошлар,
Зулматлар ошиқди
Бўлмоққа ҳамроҳ.
Сиздан ола билдик
Сабр —
Бардошлар,
Нафрат-ла қараймиз,
Учраса
Жар,
Чоҳ!
Қўприклар қулаган эса йўлларда,
Бизлар елка тутдик
Бир-биримизга.
Шундай чўққиларга
Чиқдикки бардам,
Ўзимиз ҳам энди
Менгзаймиз сизга.
Тоғлар,
Тоғлар,
Замин тирак-мадади,
Замин хотироти
Эрурсиз тамом...

Ҳеч қандай шамоллар
Ҳадди сирмади,
Қаддингиз букмоққа,
Қилмоққа бадном.



Шоир яшар,
Шон-шуҳратин ўйламай эниҳор,
Покизадир,
Мусаффордир
Мақсад,
Муроди.
Копчи мисол
Манглайдан
Тер тукиб бисёр,
Янги-янги қатламларини
Очиб боради.
Фикр тинмас,
Фикр учқур,
Суръати тезгир,
Шодлик чақнар,
Қувонч баққир
Ўткир кўзларда,
Қоп-қорайиб,
Пучмоқларда
Уюлган кўмир
Ногаҳонда
Олмос бўлиб
Қолган кезларда...
Шоир яшар,
Борлиғи-ла
Қўшиққа асир,

Борлиғи-да
Шан меҳнатнинг
Ихтиёрида.
Агарчи ул
Маълум, машҳур
Эмасдир ҳозир,
Ҳечқисси йўқ;
Келгай ҳали
Бари, бари-да!
Пайт старки:
Дарёларин
Босгандами муз,
Еки ўзга хушбахт айём,
Омад чопган он,
Чинакам бахт,
Шону шухрат
Келгай юзма-юз,
Қадамга
Нилуфар гул
Қўйгай босгумон!

Ўғлининг
 Умири
 Барбод этган ўқ
 Онанинг кўксига
 Дард бўлиб ёнди.
 Энди,
 У пинизор
 Қутадиған йўқ,
 Ўғли йўқ..
 Уртанди,
 Шўрлик тўлғонди!
 Аламу қайғудан
 Ҳориб боёқиш,
 Мингуб,
 Ором олди
 Жони танаси.
 Тушида:
 У —
 Ёўё, Россия эмиш,
 Россия —
 Юз миллион
 Ўғлон онаси!
 Сурунга кўмилган
 Далалар аро,
 Интиқом маҳали,
 Сўнгги жанг пайти,

Бирма-бир чорлармиш,
Чорлармиш гўё,
Қайтмаган ўғиллар
Исмини айтиб,
Уни деб жон берган
Фарзандлар номин
Орзиқиб оғизга
Олармиш барин..
Россия унутмас
Уларнинг шопин,
Тўлқинин унутмас
Денгиз сингари.
Қор ёнар.
Қон ҳиди келади қордан.
Мурдалар ичида
Аста борар у.
У қайғу-ситамга
Дош бериб бардам,
Ўғиллар умрини, дер:
— Мангу!
— Мангу!
Қалбида тугамас
Қувват ва мадор,
Қошида гуриллар
Келажак саси.
Чунки,
У — Россия,
У — онанзор,
Россия —
Юз миллион
Ўғлон оғаси!

Ўн саккиздан ортиқмас ёши,
Нингоҳидан
Нур ёғар тугал.
Ясан-тусан,
Либос,
Уст-боши
Қайипники
Мисоли гўзал.
Кийиб олиб
Яшил чит кофта
Давраларга кирганда марғур,
Хотинлар дер:
— Малика боп-да!
Йигитлар дер:
— Қиз эмас,
Йўқ,
Ҳур!
Йигитларга парво қилмас у,
Елворишлар
Нафсиз қолади.
Нечоғ қайноқ бу лаблар, ёҳу! —
Буни фақат еллар билади.
Бу —
Қуёшга аёндир, холос,
Сочларини
Ўрган ҳам қуёш.

Ел ва қуёш,
Ундан ўзга, рост,
Ҳеч ким ҳали бўлмаган сирдош.
Ҳавас қилар қизларнинг бари,
Қамтар, хушрўй,
Сўлим бир дилдор.
Севганини учратмай ҳали,
Ҳозирданоқ
Унга вафодор

У фронтдан хаглар битарди
Соғинчларга бўлганча асир:
— Тириклардан тирик қайтарман,
Мен —
Ўлмаслар наслидан ахир!
Бедараклар ичидан зинҳор
Қидирмангиз мен,
Дил ютиб...
... Лекин ўлди волидан зор
Марҳумларнинг рўйхатин татиб...
Ўғлон — тирик!
Боқиб биз тараф
Қаҳқашонда кезиб юрибди.
Шавкатини алқаб,
Шарафлаб,
Мангу олов ёниб турибди.

САДОҚАТ

Сокин хибонда,
Мактаб олдида
Тураб у —
Ўлимни
Билмаган аскар.
Қаддини
Ҳарбийча тик турган жуда,
Малла ранг сочлари
Шамолда ўйнаб.

Жавдарзор устида
Қезади офтоб,
Булутлар яримжон,
Силжир-силжимас...
Қизлар
Волга ёқдан
Гуллар териб шод,
Пойига қўйишар
Бесўзу
Бесас.

Қизларга боқар у,
Қутганича лол
Не-не йил
Тушида кўрган ёрини..

Мана қоқ пешинда,
Оқ сочли аёл
Қўяди гулдаста —
Зори, орини...

Бутун мамлакатни
Кезиб чиқди у —
Жопи жаҳонини
Бир қўрмакка зор.
Шоҳсупа олдида
Чекканча қайгу,
Ўлтирар
Шунқорин танимаган ёр.

НАСТЯ ХОЛА

Қадимий бир одат бор эди бунда:
Қўнғироқ садоси гуриллаган зум,
Қишлоқдан қишлоққа бир хил йўсинда
Ўлимлар йилғиси кўчарди машъум.
Қўзига қатра ёш олмасди асти,
Юзига ажиялар ташламас соя,
Ва лекин, ажабо, гирянда Настя,
Дилларга фиғонлар соларди ғоят.
Уруш
Ўғилларни олди барини,
Яшайдими, йўқми —
Энди фарқи йўқ
Ўлганларга тўкиб кўз ёшларини,
Кўзда ёш қолмади,
Кўзлари қуруқ..
Сариқ чақагани,
Ё бурда нонга,
Суришиб, баҳслашиб ўлтирмай асло,
Оҳларни тингламас олис осмонга
Нолалар қиларди Настя доимо.
Ўйқусиз кечалар ҳам ичра ҳолсиз,
Етимлар ва туллар
Тақдиридан лол,
Ўпка қилар эди лудоға ёлғиз:
— Биз нима қилдикки,
Ҳимматинг — завола?

... Ҳали совимасдан жанглар ҳавоси,
Октябрь найзасин ушлаганича,
Тонгни олиб келди кураш ҳавоси
Ва битди
Қишлоқда тун, қора кеча!
Совет ҳукумати помидан у тонг
Ленин декретини топширди бизга:
Тинчлик,
Ер, Саодат,
Эрк аталган бонг
Шерик бўлар мудом
Ҳаёгимизга!
Алдоқсиз хотира қудрати бисёр,
Эсингда сақлагил:
Қаҳратон,
Зулмат.
Тўлқинли одамлар куйлар шиддаткор:
«Азиз бўлгай хорлар, шубҳасиз, албат!»
Гоҳо сафга боқмай
Шодмон ва жасур,
Қулоқлар қаҳрини қаҳрига олиб,
Қишлоғим илк бора куйлади масрур,
Мағрур, большевиклар қўшиғин,
Ғолиб!
Бугдойларнинг тилла бошоқлари ҳам
Ўроқ ва болғага эгилдилар шод.
Настя қўшиғига қуюлди чиндан
Юлдуз тўла булоқ куйлаган баёт.
Кўз ёшин ўзгалан
Яширмай асти,
Дилида туярган шодлик шиддатин,
Барча билан куйлар
Гирянда Настя
Энди тирикларнинг ёруғ қисматин.

ТУЛПОРЛАР

Бир зангори тоғда
Ногаҳон
Ҳайдайман, дув кенгликлар томон,
Юрагимнинг очиб қаърини —
Тақдиримнинг тулперларини:
Энг биринчи,
Шўх ва ёқимтой —
Чиқиб келар олтин ёлпи той,
Менинг
Ўйноқ болалигим у.
Ховучимдан пичи қўлтум сув,
Қўқ қирларга чопди оёғи.
...Хиёл ўтмай,
Шиддати шамшод,
Эгар надир билмас,
Қирмиш ёл,
Қумуш юган,
Гўёки шамол,
Бир саманким бўлади пайдо,
Ўспиринлик давридан сазол
Бир чақмоқ қанд тутаман унга:
— Ма, асовим, оқ йўлдор сенга!
... Шундан кейин
Қорабайирим,
Етуклигим оти,
Чайирим,

Кенг ўмровли, толмас,
Вафодор,
Ювош,
Лекин учқурликда сор —
Дулдул чиқиб келади вазмин.
Унга арпа тутаман секин.
Кўзларига боқиб боумид,
Дейман: — Фақат сен шошилма, кут!
Суялчимсан,
Бирга бўл донм,
Сен кетмагин,
Сен бўл ҳамроҳим!..
... Менинг
Яна битта отим бор, —
Пойгаларда толган,
Бемадор.
Ва бошиқа кўп ташвишлар эзиб,
Энди юрар бир четда кезиб.
У — кексалик,
Иўқдир қаноти.
У — қиш-қиров кунларим оти..
Лекин бу от ҳақида холи
Гандарнинг келмади гали.



Ниҳоясиз бир дардми
Эзган?!
Е кулфатми тушган
Бошига?!
Туни бўйи тўлғаниб,
Нолон,
Денгиз
Мени
Чорлар қошига...
Саҳар чоғи
Сал тинчиди у.
Босинқираб,
Мудраб қолди бот...
Дейман,
Буюк зотлар ғам чекса,
Ердам қилмоқ
Қийиндир,
Ҳайҳот!

ЯРАДОР БУҒУ

Буғуни отдилар.
Қор
Ена бошлади унинг иссиқ қонидам.
Шабада бир қалқиди
Ўтаётиб
Яраланган буғу ёнидан.
Қон ҳиди,
Қон ранги
Бутун теваракка таралди.
Оёқ остидаги ер ўзи гўё
Яраланган буғуга ўхшарди.
Ана у!
Ётипти оғриқдан гаранг.
Ортиқ
Ҳеч нарсадан қўрқмас у...
Лекин мен даҳшатда турибман,
Мен лол!
Ўша ёвуз мерган
Яна
Қаердадир
Нишонга олмаяптимикиан
Сукунатнинг қоқ юрагини
Бемалол?!

БАҲОР

Қора холлик
Оқ қушча бўлиб
Тезда келиб қолади баҳор.
Қўқариш деб
Жар солади у,
Қиш кўшқини айлар
Тор-мор.
Ва белгисиз,
Пироқ томонда,
Илиқ кўллар соҳилида жам,
Олис йўлни кўзлаб
Турналар
Қанотига куч йиғар бу дам.
Оромини йўқотар ўрмон,
Қор қолмагай
Қирлар тўшида.
Брусника уйғониб,
Яшил
Барглар чапак чапгай бошида.
Музни
Бир-бир тешгай
Томчилар,
Уйғонгайдир
Ўрмон булоғи..
Қора холлик оқ қушча менинг
Елкамда мудрапти чоғи..

Т Е Р А Н Л И К

На овоз,
На қўл етгулик,—
Қояларни
Тик қўмган уммон..
— Оҳ, нақадар теран!—
Дединг сен.
Қимдир лоқайд ғудранди,
— Ўпқон..
Бу баҳсга
Мен аралашмадим,
Мавжлар аро офтоб ўйнар..
Ачинмади,
Қимлардир баъзан,
Теранликни
Ўпқон деб ўйлар.

ҚУЗГҮН

Рости,
Еқтирмадим Уйингизни,
Бунга
Қора Қузгун сабабдир!
Қўп қари у!
Шу боис ҳатто
Уши ўйлашнинг ўзи оғир.
Лекин
Бунда
У сизга ҳўп эш...
Еши юздан ошган...
Қитмир, қув...
Эсланг,
Жангчиларнинг кўзини ўйган
Бородино майдонида у!
Бошин қилич кесган танларни
Кўз тагига бир-бир олганча,
Чапайнинг ҳам
Қўп дўстларига
У қонташна ургандир панжа...
...Ҳа, жиркандим!
Тумшуқлари қон...
Сиз тўрдан жой берибсиз жуда!
Қуни кеча
Учиб юрганди
У дўстимнинг қабри устида...

БОЛ МАВСУМИ

Бол мавсуми,
Теграмда
Бол мавсуми...
Олтин кўллар юзида
Нилуфарлар табассуми.
Хув ўрмонлар этаги,
Адирларга қара:
Қишлоқ болалари каби
Қирмиз юз,
Бокира...
Ана гуркираган,
Бўлиқ яшил ўрмон,—
Ундаги ҳар қиёқ,
Ҳар гул болга кон.
Ҳар ёнда замзама
Арилар куйидан!
Тилла ранг бол тўлар
Арилар уйига...
Ҳапрнқар юрагим,
Шоширар ўзини:
Ўтар бол мавсуми,
Кетар бол мавсуми!



Тонг отади
Ер юзига ёйло пқбол раятияп.
Ҳа, осмоннинг қуёши бор,
Қуёшнинг-чи, замлин!
Майли, Терек каён шопқин
Эсаверсин тоғ ели,
Оқ чорлоқнинг денгизи бёр,
Денгизнинг ўз соҳили!
Оймомага боқсанг,
У нақ самовотга дарича...
Қалбниг сенинг янгроқ қўшиқ,
Куйла, овоз борича!

ҚҰШИҚЛАР БОР

Муҳаббатнинг
Сон-саноқсиз қўшиқлари бор.
Умид,
Шодлик оҳанглари
Гўё жаранг тор!
О, жасорат қўшиқлари,
Байроқдек юксак!
Ғамнинг эса куйларига
Ўзга саз керак...
Ҳа, инсоннинг туйғулари
Бари янгроқ,
Бари куйга мос!
Лекин
Киннинг,
Разолатнинг ўз қўшиғи йўқ.
Ҳеч қачон бўлмас!

АЛВОН РАНГ

Хукмдорлар,
Шоҳлар зотига
Ёқмас эди алвон ранг асло.
На тожи, на сиёсатида
Акс этмасди
Тоғдан ол зиё.
Ҳатто улар насаб-номларин
Тутмоқ учун
Қуллардан йироқ
Томирида оққан қонларин
Мовий деб жар солганлар
Бир чоқ.
Алвон рангини сўймае
Аҳли тож...
Зўрайганди
Исён, ғалаён...
Тоғнинг,
Эркининг рангига ўхшаш
Байроқ тикли тарих ва замон!
Ғалабалар осон келмади,—
Қўп қирилдик,
Қонга бўялдик,—
Аммо
Алвон рангининг қудратин
Биз
Оламга кўрсата олдик!



Турли ўйин ўйнар болалар,
Гоҳ «қурувчи», гоҳи «геолог».
Гоҳ «космонавт» бўлишар улар,
Хаёлларини тортар тубсиз кўк.
Қарап,
Улар ёш бўлсалар ҳам
Бари жиддий,
Қийин «касбдалар».
«Шоир-шоир» ўйнамас улар,
«Шоир-шоир» ўйнар катгалар.

ЧАҚИНН БУЛУТ

Қора булут бар ейдн кўкка,
Қўзларида қизонч ялтираб.
Очиб қўйдик деразаларин,
Кириб келсин уйга
Қалдироқ.
У булутмас,
Гўё улкап қуш,
Ана, келар силкитганча пар —
Она бургут болаларига
Тумшуғида йилдирим элтар.



Куз оқшоми
Болалар
Гулхан ёқиб ўйнашди.
Ўт бирдан яшнаб турган
Оқ қайинга туташди.
Қаранг,
Энди у турар
Қуйган,
Чалажон,
Абгор...
Биз энг севган кишилар
Биздан кўрурлар озор.



Машаққатли йўлларнинг
Бахти ҳам машаққатли.
Хўш, сеп кимни қўлладинг,
Қимга бўлдинг шафқатли?!
Замоннинг ташвишлари
Шулар билан ўлчанар.
Дейлик, қўриқ очдинг сеп,
Ўтқаздинг унда чинор.
Балки ракета қурдинг?!
Балки гидроишоот?!
Қуйиб тишчилик пўлатни
Ерга бердинг ҳарорат!
Ё қорданми,
Кўчкidan
Қутқардинг бирор жонинг!
Қилган улуг ишлари
Улуг этар инсонинг!

КЎПРИК

Бу кўприкни бугдой ташувчи
Аравалар учун қуришган.
Энди унга йигирмапчи ээр
Моторлари оғирн тушган.
Унинг дўлвор,
Чайир кифтидан
Тракторлар,
«МАЗ»лар ўтади.
Бироқ у жим чидайдн ҳамон,
На шикоят, на дод этади.
Гарчи бетон эмас вужуди,
Оддий ёғоч —
Шундайин қолди.
Шу ҳолнча у замонанинг
Кўп юкларин кўтара олди
Ва йиқилди...
Энди-чи,
Иўллар
Қилар янги кўприкка ружу...
Газетларда айтилганидек,—
Ўз постида ҳалок бўлди у!



Ориятли,
Мағрур кишилар
Нолимаслар ҳаётдан
асло.
Бировларга муте бўлмаслар,
Ишқин ошкор этмаслар нишо.
Хусумат на, билмаслар улар,
На ҳасадга эгарлар бўйин!
Хуш кечади
Улар ҳаёти,
Улар каби бўлиш.
кўп қийин.



Ҳижрон фасли
тушдими,
Дарров
Эшик қоқиб келар
Елғизлик.
Қўплар учун у —
оғули ёв,
Мен унга дўст туттидим, қизик.
Гавжум ҳаёт ичрасан,
Гоҳи,
Қўрқма
ёлғиз қолнишдан минбаъд.
Ҳаётингни
бир жам этиб у,
Қалбинг билан қилар
Ҳамсуҳбат.

* *

*

Чақир мени
танг бўлса ҳолинг,
Учай қанот чиқариб бу дам.
Оқ ювиб,
Оқ тарайин бориб,
Дардларингга қўяйин малҳам.
Бошинг узра
туву кун бедор
Ҳамшираиңдек бўлай парвона..
Ортиқ ётсан муҳаббатимга,
Чорламассан сен ҳам ҳеч қачон!